

МОЛИЯВИЙ-ТРАНСАКЦИОН ХАРАЖАТЛАР, МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

*ТДИУ Молия ва бухгалтерия ҳисоби
кафедраси катта ўқитувчиси
PhD. Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли
тел.: (90) 321 31 00*

Қисқача аннотация: Ушбу мақолада молиявий – трансакцион харажатлар, корхона молиявий натижалари самарадорлиги ҳолатининг таъсирини таҳлили ёритилган. Ушбу кўрсаткичлар тизимида рентабеллик марказий ўринга эга бўлиб, фаолият самарадорлигининг сифат ва миқдор жиҳатларини ифодалайди

Краткая аннотация: В данной статье анализируется влияние финансовых и транзакционных издержек на эффективность финансовых результатов предприятия. В этих показателях рентабельность является центральной и отражает как качественные, так и количественные аспекты деятельности.

Annotation: This article analysis of the financial condition of the financial and transactional market for effective financial forecasting. How to rent a centrifugal and finished job. In the system of financial indicators, profitability is especially and quantitative aspects of productivity.

Калит сўзлар: фаолият натижавийлиги, молиявий – трансакцион харажатлар, соф молиявий натижа, фойдани максималлаштириш, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик кўрсаткичи, соф тушум, ялпи фойда, молиявий фаолият фойдаси, самарадорликнинг ўзгариши, хусусий капитал.

1. Кириш.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамоилии асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон хуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган¹. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб молиявий трансакцион харажатларни бошқариш ҳамда уларнинг самарали ижросини таъминлаш реал секторда фаолият юритувчи корхоналарда молиявий натижаларни самарали бошқаришнинг принципал жиҳатдан такомиллашган механизмини жорий қилишни тақозо қиласди.

2. Корхоналар томонидан амалга ошириладиган деярли барча молиявий

¹ “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони..

операциялар пул маблағларининг тушуми ва сарфланиши каби умумлашган күрсаткичда ифодаланади. Вақтнинг мақлум моментида корхоналар капитали барқарор қийматга эга бўлиб, ўзгарувчан бозор шароитидаги турли омиллар таъсирида уларнинг қиймати тебраниб туради. Хўжалик субъектлари капиталга таъсир этувчи бундай эндоген ва экзоген омилларни негатив таъсирини нейтраллаштиришга ҳамда фойдани максималлаштириш мақсадида пул оқимларини самарали тақсимлаш механизмини ишлаб чиқишига ҳаракат қиласидар. Ушбу пул оқимларига таъсир этувчи омиллардан бири замонавий шароитларда “Трансакцион харажатлар” ҳисобланади. Трансакцион харажатларни мазмун ва моҳиятини аниқлашдан олдин “Трансакция” тушунчаси феноменига аниқлик киритиб олишиз мақсадга мувофиқдир.

3. Адабиётлар шарҳи.

Трансакция феномени таниқли иқтисодчи Ж. Коммонсон томонидан иқтисодий муомалага киритилган бўлиб, унинг тарифига кўра, Трансакция- бу товар алмашинуви жараёни эмас, балки жамият томонидан яратилган мулк ҳуқуқи ва эркинликни ажратиб олиш ва эгалик қилишдир. Демак, трансакция маълум мулк ҳуқуларга эгалик қилиш мақсадида, уни ўтказиш жараёнидир. Иқтисодчи Карл Менгер ўзининг “Сиёсий иқтисоднинг асосланиши” номли асарида трансакцияларга анилик кириб, трансакция – бу субъектлар ўзаро фаолият ҳаракати мобайнидаги иқтисодий қурбонлик (йўқотиш) ёки харажатлар эканлигини таъкидлайди². Иқтисодий қурбонлик (йўқотиш) ёки харажатлар сифатида почта йигимлари, авария оқибатларини тугатиш харажатлари, кредит маблағарига эгалик қилиш, патентлар олиш юридик актлар, комиссион тўловлар, пул айланишидаги сарф харажатларни назарда тутади³. Иқтисодчи Р. Коуз ўзининг “Фирмалар табиати” номли асарида илмий-иқтисодий муюамалага “Трансакцион харажатлар” тушунчасини киритган. Унинг таъкидлашича, трансакцион харажатлар-бозор механизмидан фойдаланиш бўйича сарф-харажатлар ҳисобланади⁴.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гурухлаш, таққослаш, назарий ва амалий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ўрганиш асосида молиявий натижалар тушунчасига аниқлик киритиш, молиявий диагностикада молиявий натижаларни тадбиркорлик субъектлари қийматига таъсир этиши, ҳисоб, молиявий диагностика ва молиявий бошқарувнинг миллий ва ҳалқаро тажрибалар

² Coase R.H. The firm, the market and the law. Chicago, 1988, P. 188

³Менгер К. Основания политической экономии / Австрийская школа в политической экономии: Менгер К., Бем-Баверк Е., Визер Ф.. - М., 1992. С. 161

⁴ Coase R.H. The firm, the market and the law. Chicago, 1988, P. 188

асосидаги ўзаро уйғунлашган тараққиётини таъминлашга қаратилган хulosса ва таклифлар шакллантирилган.

4. Таҳлил ва натижалар мухокамаси.

Демак, трансакцион харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва с уни сотиш жараёнида ҳамда мулк ҳуқуқини ҳимоялаш жараёнида иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро фаолият бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади. Ҳозирги шароитда амалга оширилаётган ислоҳотларда транакцион харажатлар хўжалик субъектлари молиявий натижаларини шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бир бўлмоқда. Бу бир томондан маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш жараёнига кўрсатилаётган хизматлар нархи билан бевосита боғлиқ бўлмоқда.

Трансакцион харажатлар ўзига хос иқтисодий табиатга эга бўлса-да, фақатгина бошқарув ҳисоби тизимида инобатга олинади. Замонавий шароитларда ушбу туркум харажатлар мулкчиликнинг турли шаклларидаги хўжалик субъектлари молиявий натижаларига таъсир этувчи харажатлар ҳисобланади.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида хўжалик субъектлари молиявий натижаларини шаклланиш самарадорлигига таъсир этувчи бир қатор муаммолар аниқланиб ва уларни бартараф қилиш бўйича қўйидаги таклифлар келтирилади.

1-муаммо. Хорижий давлатлардан замонавий техника ва технологияларни импорт қилган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари учун кредит ажратилиши жараёнида тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун комиссион тўловлар қийматининг юқори даражада қолмоқда.

Бугунги кунда тижорат банкларида қўлланилаётган комиссион тўловларнинг ўртача ставкаларини таҳлил қиладиган бўлсак:

- кредит комиссияси томонидан ҳужжатлар кўриб чиқилиши учун кредит суммасининг маълум фоизи (асосан хусусий банкларда) миқдорида комиссион тўлов тўланади;

- гаров обьекти эркин баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробаридан 5 баробаригача миқдорда тўловлар тўланади;

- кредит ҳужжатларини нотариал тартибда тасдиқлатиш учун нотариуслар томонидан ўртача 300,0 - 400,0 минг сўм атрофида божлар ундирилади.

- гаров таъминотини суғурталашда олдиндан кредит муддатининг ҳар бир йили учун гаров сифатида автотранспорт воситаси кўрсатилса – гаровнинг 1,5 фоизи, бино-иншоотлар кўрсатилса – 0,1 фоиз ва ускуналар кўрсатилса - 0,1 фоиз миқдоридаги тўловлар суғурта учун тўланади. Ишлаб чиқариш фаолиятини янги бошлаётган тадбиркорлик субъектларида фаолиятининг

бошида бино ёки ускуналарнинг мавжуд бўлмаслигини инобатга олсак, одатда гаров таъминоти сифатида автотранспорт воситаси кўрсатилади;

- банкда аккредитив очиш учун – аккредитив очилган муддатга қараб комиссион тўлов тўланади. Хорижий давлатларда олдиндан аванс тўловлари олмасдан туриб, одатда берилган буюртма бўйича ишлаб чиқаришни бошламайди. Хорижий давлатлар амалиётида ишлаб чиқарувчиларга шартнома тузилган ускуналар бўйича аккредитив очилганлиги тўғрисидаги маълумотнома етиб боргандан кейингина буюртма расман қабул қилинган ҳисобланиб, шартномада белгиланган ускуналар ишлаб чиқарилиши бошланишини ҳисобга олганда тадбиркорларда доимий равища узоқ муддатларга аккредитив очиш зарурати бўлади.

Таклиф: Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаган ҳолда банк тизимидағи комиссион тўловларни оптималлаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

2-муаммо. Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Дастурлари самарадорлигини ошириш, хусусан, Дастурларга киритилган лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда ишга тушиши, янги ишчи ўринлари яратилиши ва кейинчалик ҳисботларда ҳажм кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Дастурлар ижросида қатнашадиган субъектлар (ҳокимият, банк, лойиҳа ташаббускори, идора ва ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи низомнинг мавжуд эмаслиги.

Таклиф: Дастурга лойиҳаларни киритиш бўйича қўйиладиган талаблар, тақдим қилинадиган имтиёзларнинг мазмуни ва ҳудуд иқтисодиёти учун самарадорлигини инобатга олган ҳолда ҳар бир лойиҳа учун имтиёзнинг алоҳида белгиланиш шартлари, Дастурларга киритилган лойиҳалар бўйича бугунги кунда амалда бўлган тармоқ жадваллари ўрнига бизнес режа хусусиятига эга бўлган кўп томонлама шартномалар тузиш ва бу шартномаларда барча жараёнларнинг тўла миқёсда қамраб олиниши (тижорат банки кредитининг миқдори, фоиз ставкаси, имтиёзли даври, гаров масаласи кабилар), янги лойиҳаларни Дастурга киритишнинг доимий равища мумкинлиги (ишчи комиссия қарори билан), шунингдек Дастур ижросида иштирок этувчи субъектларнинг масъулияти ва жавобгарлиги кабилар белгилаб қўйилган низом ишлаб чиқиш лозим.

5. Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак харажатларни самарали бошқаришда “Ишлаб чиқариш имкониятларига асосланган” режалаштириш тизимига ўтиш мақадга мувофиқдир. Оператив бошқарув тизимини самарали ташқил этиш мақсадида молиявий режалаштиришда бюджетлаштириш амалиёти қатор афзалликларга эга бўлиб, бюджетлаштириш асосан прогнозлаштириш ва

режалаштириш технологиясининг қарорлар қабул қилувчи учун зарурий ахборотларни шакллантишишнинг нисбатан мукаммаллигини билан изоҳланиши ишда асосланди.

Юқорида келтирилган муаммолардан келиб чиқиб қўйидаги хulosаларни айтиш мумкин. Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаган ҳолда банк тизимидағи комиссион тўловларни оптималлаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим. Замонавий иқтисодий адабиётда сарф-харажатларни бошқаришда бир қатор концепциялар мавжуд. Ушбу концепциялардаги ёндашувлар бир хил эмас. Баъзи концепциялар харажатларнинг ҳисоб тавсифларига асосланади ҳамда сарф-харажатларни бошқаришнинг бухгалтерлик жиҳатига даҳлдор ҳисобланади. Бошқа концепциялар сарф-харажатларни фақат ҳисоб соҳасида эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам бошқариш обьекти сифатида кўриб чиқади.

Ушбу харажатларни минималлаштириштириш хўжалик субъектлари харажатларини камайтириш орқали уларнинг соф молиявий натижаларини максималлаштириш имкониятларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли. (2023). Молиявий натижаларда шакллантиришда трансакцион харажатлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 30–35. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2780>
2. Musahonzoda, I. (2019). About organization of additional vocational training of accountants. Humanitarian and SocioEconomic Sciences Journal, (2), 30-34. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_38230413_58575723.pdf
3. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, UO‘K: 657(075.8)
4. Назарова Муслима Назаровна. (2022). Нобанқ кредит ташкилотларининг ҳуқуқий асослари. Journal of New Century Innovations, 10(2), 48–54. <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
5. Мусахонзода, И. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислоҳотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969>
6. Кличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>
7. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). Вопросы совершенствование учета корпоративных облигаций: обязательство или капитал. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).

8. Адашалиев, Б. (2022). Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳисоботининг халқаро стандартларига ўтишининг долзарб масалалари. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1127>
9. ХУДОЁРОВ О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамламли банк технологиларини жорий қилиш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
10. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591
<https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
11. Фарходовна Ирода Урманбекова. (2023). Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида электр энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатлар ҳисоби ва таҳлилиниң мақсад ва вазифалари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 91–98. retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2787>
12. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон стратегик мақсадлар сари ривожланишда. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 60–71, retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2784>
13. О. Бозорова. (2023). Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятинги қўллаб-қувватлаш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
14. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
15. Тулаев, М. (2021). Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувани ташкил қилиш масалалари. Архив научных исследований, 1(1).
16. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(10), 25–32. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313>
17. Юлдашев, Ж. (2021). Совершенствование методики оценки состояния отношений с клиентами в коммерческих банках. Экономика и

инновационные технологии, (3), 233–244. извлечено от
https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11885

18. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от

https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137

19. Назарова Муслима Назаровна. (2023). Ломбардлар фаолиятининг замонавий ҳолати таҳлили. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 50–59. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2783>

20. СУЛТАНОВ, М., & АДАШАЛИЕВ, Б. В. (2021). Фонд бозори савдолари фаоллигини оширишда молиявий саводхонликнинг ўрни. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/384>

21. Nazarova, M. N. (2023). Legal Framework for Microcredit Organizations in the Republic of Uzbekistan and Analysis of Their Current State. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN, 2249(0892). http://www.ajtmr.com/papers/Vol12Issue2/Vol12Iss2_P4.pdf

22. Урманбекова, И. Ф. (2023). Электр энергияси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш йўллари. O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(15), 317-322.

23. Салимов, Ш. (2021). Технопарк – фактор инновационного развития малого и среднего бизнеса. Экономика и инновационные технологии, (3), 106–115. извлечено от

https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11872

24. Кличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>

25. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.-
<https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>

26. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

27. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823
28. О.О.Худоёров (2022). ҲАЛҚАРО ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЙЎЛИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ. Newjournal.org часть №6 ст.51. <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/994/847>
29. Ойбек Одилович Худоёров. (2016)The role of internal audit and internal control in banking sector. Молодой ученый. часть №9. ст 739-742. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=25964274>
30. O.Xudoyorov (2017). Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика. часть №5. 242-244. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
31. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос мухим жиҳатлари. Eurasian journal of law, finance and applied sciences, 2(13), 156–159. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
32. Ф.Қ.Бобохўжаева. (2023). Банк ва мижоз ўртасидаги иқтисодий муносабатларда маркетингнинг ўрни ва ахамияти. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 121–127. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2790>
33. Бозорова, О. (2022). Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг аҳамияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1084>
34. Тулаев Мирзакул Саламович. (2023). Ижара олинган асосий воситалар ҳисоби –молиявий фаолиятни молиялаштириш манбаси. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 3–15. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2777>
35. Бозорова, О. (2022). Баланс ликвидлигини таҳлили. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1355>